

**ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР.****А.Абдуллаева***Психология кафедраси каттаўқитувчиси,***Н.Тошболтаева***Психология кафедраси ўқитувчиси.**Фарғона давлат университети.**Фарғона, Ўзбекистон.*

Аннотация: Ушбу мақолада миллий маънавиятимиз сарчаималарида никоҳнинг ва оиланинг муқаддаслиги тўғрисидаги ўғитлар жамиятнинг ҳар бир фуқоросини тарбияловчи оил эканлига, улар орқали ёшларда оила ва никоҳ тўғрисидаги монанд тушунча ва тасаввурларни шакллантириш мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўз ва иборалар: Оила, миллат, никоҳ, фелицитологик муносабат, мулоқот, жисмоний, маънавий, гоя, тенденция.

Аннотация: В данной статье речь идет о том, что учения о святости брака и семьи в истоках нашей национальной духовности являются фактором, воспитывающим каждого гражданина общества, посредством которого возможно формирование монашеских представлений и представлений о семье и браке в молодые люди.

Ключевые слова и фразы: Семья, нация, брак, фелицитологическое, родство, общение, физическое, духовное, идея, тенденция.

Abstract: This article discusses the fact that the teachings on the sanctity of marriage and family in the sources of our national spirituality are a factor that educates every citizen of society, through which it is possible to form monand concepts and ideas about family and marriage in young people.

Key words and phrases: Family, nation, marriage, felicitological, relationship, communication, physical, spiritual, idea, trend.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Оила” бобида оиланинг давлатимиз келажагидаги ўрнига юқори баҳо берилиб, оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги таъкидланган. Оилавий муносабатлар 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” билан ҳам тартибга солинган. Бу муносабатлар никоҳ, эр-хотин, ота-она, болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатлардир.¹³

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий кадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи

¹³ XXI аср оиласи концепцияси. Республика “Оила” илмий-амалий маркази. Тошкент 2002й.,-15 бет.

ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бундаги етакчи ғоя – никоҳдагилар ўртасида аҳиллик бўлсагина никоҳнинг мустаҳкам бўлиши ғоясидир. Зеро, бу ўз навбатида жамиятнинг ва унинг ҳар бир фуқаросининг ривожига фақат ижобий таъсир кўрсатади.

Инсоннинг тирик мавжудод сифатида ҳаракатда бўлиш турли хил эҳтиёжларни амалга оширишни тақозо этади. Улардан баъзи бирларини мустақил амалга оширилса, баъзиларини эса фақатгина ким биландир биргаликда амалга ошириш мумкин. Агар никоҳ пайдо бўлган даврларда хўжалик ишлари, иқтисодий ишлар, авлод қолдириш ва тарбиялаш функциялари аҳамиятли бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб психотерапевтик функциялар, эмоционал қўллаб-қувватлаш функцияларининг аҳамияти кучаймоқда. Шу ўринда оилани бахт билан таъминлаш функциясининг моҳиятини тушунтириш майсадга мофиқ.

Маълумки, инсоният жамияти тараққий етиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, юнг яқин бўлган жиловий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради.

Эр-хотинлик муносабатлари ҳозирги замонавий кўринишда экзистенционал мазмунга эришганлик позициясидан баҳоланади ва эр ва хотин ўртасидаги психологик муносабатлар кўринишида намоён бўлади. Никоҳ бўлиши учун асосийси ҳис-туйғулар ҳисобланади. Айнан севги-муҳаббат ҳислари оила қуришга ундайди (олиб келади). Ҳатто шубҳали бўлган “ҳисоб-китобли никоҳ”да ҳам севги пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Инсоннинг ўз турмуш тарзини ноёблиги ва шахсий хусусиятлари ва кўринишларини такрорланмаслигини англаганлиги ёлғизликни энгишга ундайди. Кимдир уни тушуниши, қабул қилиши ва кимгадир керак бўлиши керак. Инсон севиш ва севилишни хоҳлайди. Буни эса у никоҳ ва оиладан топишни мўлжаллайди, таҳмин қилади. Ҳар бир одам ноёб ва такрорланмасдир, ушбу ноёбликнинг иккинчи томони ёлғизлик қисматидир (инсоннинг ўз шахсий хусусиятларини такрорланмаслигини ва турмушини ноёблиги).

Оилани ўрганиш бўйича психологлар томонидан киритилаётган кўпгина тенденциялар, назарий таклифлар, никоҳ ва оила модели моҳиятини яратишга интилишлар оила психологиясини психологик билимлар тизимида тутган ўрни ва уни долзарб эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо этади.

Оила деб аталмиш муқаддас макон, «оила қасри»нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Агар шу пойдевор етук, мустаҳкам бўлса, унинг устида қурилган иморат ҳам кўркем, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган бўлади. Ҳеч бир

девор ёки уй пойдеворсиз бўлмаганидек, Сизнинг қуражак оилангизнинг ҳам ўзига хос пойдеворлари бор. Улар шу оиланинг юзага келишига, қурилишига асос бўлган никоҳ олди омилларидир. Агар шу никоҳ олди омилларининг оилани юзага келишига таъсири ноўрин бўлса, у шошилиш, бўш, қийшиқ қурилса, унинг устига ўрнатилган оила иморатининг девори ҳам қийшиқ ва омонат бўлиб бораверади ва у шу иморатнинг бир куни келиб қулаши, бузилиб кетиши хавфини туғдиради. Бундай пойдевор устига қурилган иморат қулаб тушмагани, бузилиб кетмагани тақдирда ҳам унда истиқомат қилувчиларга хотиржамлик, тинчлик, қувонч бахш эта олмайди. Улар доимо қандайдир бир хавотирда, ҳадикда, ноқулайликда, хижолатда яшашларига тўғри келади.¹⁴

Оиладаги психологик муҳит - бошқа ҳар қандай гурӯҳда бўлган қонунлардан таркиб топади. Бироқ оилада иш бирмунча мураккаброкдир. Унда кишилар ўз ҳаётининг кўпроқ қисмини ўтказишади. Улар бир-бирлари билан кўпроқ самимий туйғулар ва муносабатлар орқали боғлангандир. Оила бахтининг асосида оиланинг психологик муҳити ётади. Оиланинг психологик муҳитига эр-хотинларнинг ҳам, умуман кишиларга ҳам оила аъзоларига ва бир-бирларига бўлган муносабатлари таъсир қилади.

Социолог-психологлар бахтли ва бахтсиз оилаларда эрнинг ўзига ва хотинига бўлган муносабатларнинг хусусияларини аниқлаганлар. Улар қизиқарли фактларга эга бўлдилар. Оиладаги психологик муҳит эр-хотин қизиқишларининг умумийлиги билан характерланади, энг муҳими уларнинг иккаласи ҳам қизиқиш билан ҳисоблаша билишларида ва эътибор бера билишларидадир. Эр-хотин катта ижтимоий муаммо ва талаблар билан яшайдиган оилаларгина бахтли бўлишлари мумкин.

Ҳар қандай йигит ва қиз оила қураётганлар уларда оилавий ҳаёт ҳақида маълум тушунчалар, дунёқараш ўз ота-оналари оиласи, ўзи тилиб ўсган оила, у ерда шаклланган урф-одатлар, анъаналарга кўра шаклланган бўлади. Янги барпо этилган оилада эса мутлақо бошқача, яъни шу оилагагина хос бўлган дунёқараш шакллана бошлайди. Оила қурган ёшларнинг дунёқарашини, тушунчаларини қанчали юқори бўлса, уларнинг бир-бирига мослашиши ҳам осон бўлади¹⁵.

Қизлар турмушга чиқар экан, йигит кишидан ҳимояни, моддий таъминланишни, фарзанд кўришни истади. Эркак киши ҳам ўз навбатида оилавий тинчлик-тотувлик, бахт ва ҳоказоларни хоҳлайди. Аслида турмуш қуришдан қўзланган мақсад, нимагадир эга бўлмоқ экан, демак буни тушуна оладиган ҳамда сенга шу нарсаларни бера оладиган инсонни учратиш ва у билан оила қуриш лозим бўлади.¹⁶

Оиладаги қулай ахлоқий-психологик муҳит эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзоларида ўзига ишониш, кишиларга ишониш, қувноқлик, вазминлик каби фазилат ва туйғуларни шакллантиришга таъсир кўрсатади.

¹⁴ Мусурмонова О. Оила маънавияти миллий ғурур. –Тошкент, "Ўқитувчи", 2001 й.-12 б.

¹⁵ Т. В. Авдонькина. Мотивы создания семьи и прогнозирование regionsar.ru/node/659

¹⁶ Основные мотивы создания Семьи – Bookap bookap.info/okolopsy/nekrasov_brak_

Психологик муҳит кишиларнинг мувофиқлигида янада аниқ намоён бўлади. Кишилар бир-бирлари билан мувофиқлиги, аввало ҳаётнинг қадри, қизиқишлари, эмоционал кўрсатмаларининг умумий тарзи ҳамоханлиги назарда тутилади, натижада оилада бир-бирини тушуниш, бошқаларнинг қадрини ҳам, шунингдек инсонни қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Оила аъзоларида психологик қулайлик ишонччилик, ҳимояланиш, бир-бирининг муомаласидан қатноатланиш мувофиқликнинг ички мубъектив кўрсаткичидир.

Кишиларнинг номувофиқлиги оила аъзоларининг бир-бирлари билан муомалада ва ўзаро ҳаракатда бўлган эҳтиёжларининг чегараланганлигидадир.

Муносабатларни самимийлигига ва турмушнинг бузилишига В.Сатирнинг фикрига қуйидаги кўрқувлар сабаб бўлади:

1. Мен ҳато қилиб қўйишим мумкин.
2. Кимгадир қилиғим ёқмаслиги мумкин.
3. Кимдир устимдан кулади.
4. Кимдир мени мақтанчоқ деб ўйлайди.
5. У мени ёмон деб ўйлайди.
6. Бирор-бир айбим борлигини билиб қолишади.
7. У мени ташлаб кетади.

Аммо, кимки бу фикрларни ўзидан четласа, эркин тутса ва ўз устидан кулишидан кўркмаса, муносабатлар осонлашади.

Инсон турмуш қуришдан олдин бу ҳаётда ўзининг дунёқарашига эга бўлади. У ўзи учун азиз ва қимматли нарсаларни белгилаб қўяди, шунинг учун ўз ёнида тушунадиган, унинг ғурурига тегмайдиган дунёқараши устидан кулмайдиган, таъна қилмайдиган кўпинча чқин бир инсон бўлишини истайди.

У бошқа ўзига яқин инсондан уни дунёқараш, ғурурини, ҳаётдаги ўрнини, ҳурмат қилишини хоҳлайди. Фақат шундай инсонгина турмуш ўртоғи била олиши ва шундагина мустаҳкам оила қуриши мумкин.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш керакки, севги формуласи ҳар ким учун ўзиники бўлади. Бу формулани ҳар ким ўзича тузади ва шу формулага асосан яшайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. XXI аср оиласи концепцияси. Республика “Оила” илмий-амалий маркази. Тошкент 2002й.,-15 бет.
2. Каримова В.М. Оила психологияси. Дарслик.-Т: Фан ва технология. 2008. 152б.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти миллий ғурур. –Тошкент, "Ўқитувчи", 2001 й.-12 б.

4. Абдулаева А.Р. //ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И МУНИЦИПАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ// Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 6. – С. 26-29.
5. Rustamovna A.A. //BO'LAJAK HARBIY KADRLARINI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA OILAVIY MUNIT TA'SIRINI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK OMILLARI// – 2022.
6. Рустамовна А.А. //СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ//
Зона конференций. – 2022. – С. 43-45.
7. Абдулаева А. //ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ФАКТОРЛАРНИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// МУАЛЛИМ ЖУРНАЛИ. 11 ЖИЛД. 2022 ЙИЛ.
8. А.Р.Абдуллаева //ОИЛАДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НИКОҲ МОТИВЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA 14-SON ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI 20.12.2022. 1132-1138 бетлар.
9. Toshboltayeva Nodira Ibrohimjonovna// The importance of thinking in the complex process of individual activity// International conference on Studies in Humanities, Education and Sciences. January 10 th, 2022. 69-70
10. Ibrokhimjonovna T. N. PERSONAL EDUCATION AS A MAIN BASIS OF SOCIETY'S DEVELOPMENT //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 03. – С. 1-2.
11. Тошболтаева, Нодира Иброхимжоновна. "Важные аспекты упражнений в умственной деятельности психологическая интерпретация." *INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION* 1.5 (2020): 97-99.
12. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна //ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДА ТАФАККУРНИНГ АҲАМИЯТЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ// Международный научный журнал «Научный импульс». № 5 (100), часть 2. Декабрь, 2022. 196-199 стр.
13. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна // БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА ШАХСНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ// JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH VOLUME-2, ISSUE-13 (26-December). 472-475.
14. Тошболтаева Нодира Иброхимжоновна, Тошболтаев Салоҳиддин Хамидуллаевич //МУСТАҚИЛ ТАФАККУР ЖАРАЁНИНИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ТАҲЛИЛИ// Международный научный журнал «Новости образования: исследование в XXI веке». № 6 (100), часть 2. январь, 2023 г. 114-118 стр.